



ПОЙКЕНТ ШАҲАРЧАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Ғаниева Ситора – Когон туман техникуми

Тарих ғани уқитувчиси

Дунё ҳам жамиятида илк цивилизациялар дарё ва сув ҳавзалари бўйида вужудга келади. Масалан Қадимги Мисрда Нил ҳавзаси бўйида, Месопатамияда Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида, Ҳиндистонда Ҳинд ва Ганга дарёлари бўйида қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар-давлатлар вужудга келган. Шу ўринда Бухоро воҳасининг шаклланиши, қадимги аҳоли манзилголари, қишлоқ ва шаҳарларнинг тараққий этишида Зарафшон дарёсининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу сабали тарихчилар “Бухоро-Зарафшон дарёсининг туҳфаси” деб тақидлайди[1]. Сабаби, қадимдан Бухоро воҳасининг асосий сув манбаи Зарафшон дарёси ҳисобланган.

Пойкент ҳақида жуда кўплаб ёзма манбаларда маълумотлар учрайди. Масалан, хитой йилномаларида Пойкент Би номи билан, арабнависларнинг асарларида еса Мадинит ут-тузжор яъни “Савдогарлар шаҳри” номлари билан шуҳрат қозонган.

Бухоро воҳасида илк археологик изланишлар XIX асрнинг охирларида, аниқроқ қилиб айтганда 1896 йилда ҳарбий топограф Н.Ф.Ситняковский Бухорога келиб, бир қатор археологик ёдгорликларни суратга олиш ва уларни тавсифлаш билан бошланади. Тадқиқот воҳанинг асосан ғарбий ва шарқий қисмларида олиб борилади. Н.Ф.Ситняковскийнинг бу тадқиқотлари, уни Бухоро воҳасида бевосита археологик кузатувлар олиб борган биринчи тадқиқотчига айлантди. Н.Ф.Ситняковский кўрган ва текширишлар олиб борган вақтда девор албатта дастлабки кўринишда эмасди. Айрим жойларда 80 см дан 1 м ва 1,20 см ча бўлган узун тепалик ҳолида эди. Буни харитага тўғри белгилаш олимдан катта билим ва маҳорат талаб қиларди[2].



Туркистон археологик ҳаваскорлар тўғарагининг 1896 йилги мажлисида Н.Ф.Ситняковский Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап соҳилларида жойлашган Пойкент харобалари, Узулишкент, Кумушкент каби жойларнинг умумий жойлашуви ва ҳолати хусусида атрофлича маълумот берган.

1887 йил И.Т.Пославскийнинг Кўҳна Пойкентга ташрифи чоғида берилган маълумотларига асосланиб, Н.Ф.Ситняковскийнинг Пойкент археологик ёдгорлигида олиб борган ишлари алоҳида ажралиб туради. Пойкент ҳудудида тадқиқотлар ўташ жараёнида Н.Ф.Ситняковский Мансур ибн Нух (961-976) ва Нух ибн Мансур (976-997) даврларида зарб қилинган 6 та кумуш танга топади. Н.Ф.Ситняковский ўз тадқиқотлари ҳақида 1896 йил 11 декабрда Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги аъзоларига баён қилади ва шу йилнинг ўзида ўз “Ҳисобот”ини эълон қилади[3].

XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро воҳасида археологик қазишмалар амалга оширилган. Хусусан, 1903 йилда Пойкент ёдгорлигининг харобаларига Карнеги институтининг геологи Рафаэл Пампелли бошчилигидаги экспедиция ўрганган. У “Пойкент эрамиздан олдинги асрларда ҳам жуда бой шаҳар бўлиб, сувсизлик сабаб у заволга юз тутган, ҳозирда шаҳарнинг Арк ва унинг деворлари кум босиши арафасида”- деб такидлайди[4].

1910 йилларда Бухоро воҳасидаги археологик ёдгорликларда Туркистон археологик ҳаваскорлар тўғараги котиби Л.А.Зимин ҳам тадқиқот ишларини олиб боради.Л.А.Зимин воҳадаги тадқиқотларини Пойкент, Варахша, Ромитан кўрғони ва турли археологик ёдгорликларда кузатув ишларини олиб боришдан бошлайди. Тадқиқотлар давомида Л.А.Зиминни Пойкент харобалари қизиқтириб қояди ва асосий тадқиқотларини шу археологик ёдгорликка қаратади.

1939-1940 йилларда эса шаҳарчани Россиянинг Эрмитаж музейининг илмий ходими А.Ю. Якубовский[5], 1940 йилларда В.Н.Кесаев ва В.А. Шишкин каби тадқиқотчилар археологик тадқиқ этилар ва Пойкент шаҳрининг топографик харитасини яратдилар. Бу харитада шаҳар уч қисмдан иборат



еканлиги кўрсатилган бўлиб: Арк қисми-майдони 1га, Шаҳристон I қисми-майдони 13га, Шаҳристон II қисми-майдони 7га.

Археологик маълумотларга кўра бу ҳудудда бронза давридан бошлаб инсоният яшай бошлаган. Милоддан аввалги V - III асрларда инсонлар гавжумлаша бошлаган. Худди шу даврдан бошлаб шаҳар қад кўтара бошлаган. Бу вақтда шаҳар майдони 1 га ни ташкил этган. Пойкент нотўғри тўртбурчак шаклга эга бўлиб, энг қадимий қисми арк қисмидир. У милоддан аввалги IV - III асрларда барпо этилган. Милодий V - VI асрларда 1 - шаҳристон, милодий VI-VII асрларда 2 - шаҳристон барпо қилинган. Пойкент шаҳри V - VI асрларда ўз тараққиётининг юқорига босқичига кўтарилган бўлса, XI аср ўрталаридан бошлаб сув танқислиги туфайли шаҳарда ҳаёт тўхтаган.[6] Шаҳар икки қатор девор билан ўралган. Пойкент шаҳрида мазор бўлиб, марҳумлар суяклари солинган оstonлар топилган. Пойкент шаҳри работлар ҳисобига кенгайтирилган. Наршахий ёзишича Пойкентда мингдан ортиқ работ бўлган[7].

Шаҳарчада мунтазам қазилмалар ва тадқиқотлар XX асрнинг 80 йилларида ЎзФА Археология институтининг етакчи илмий ходимлари А.Р. Мухаммаджонов, Ж.Мирзаахмедовлар ҳамда Эрмитажнинг илмий ходими Г.Л.Семенов иштирокида ўтказилди. 1990-2000 йилларда истехкомда олиб борилган қазилмалар жараёнида аркда учта ёниб кетган хона топилди. Улардан бири, яъни “Нақшу ниғорли хона” номини олганида бухорхудотлар хазинаси ва яшириб қўйилган қурол-аслаҳа омборхонаси топилди.

Пойкент шаҳрини археологик жиҳатдан ўрганиш кейинги йилларда ҳам мунтазам давом эттирилиб келинмоқда. 2000 йилда археологлар Г.Л.Семенов, К.Ж.Мирзаахмедов, Ш.Г.Одилов, А.В.Бехтер, П.Б.Луре, Ф.Вулфрет, А.И.Торгоев; архитекторлар: И.Зеймал, Ю.Л.Куликова; реставраторлар: Ю.Л.Степанов, П.Степановалар шаҳарда изланишлар олиб бордилар. Пойкентнинг жанубий - шарқий қисмида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида милоддан аввалги II-I асрга оид тош қуроллар



топилди. Бу ҳудуддан 68 та “Терминус антекуе” ёзувли бухорхудот кумуш тангалари аниқланди. Шаҳристон-1 маконидан қадимги масжид қолдиқлари ўрганилди.

2001 йилги изланишлар да Тайван университети археолог аспирантлари Жон Стенли - Бейкер бошчилигида ташриф буюрди ва шаҳарнинг ғарбий қисмида изланишлар олиб борилди. Шаҳристон-1 дан асосан кўчалар қурилиш техникаси ўрганилди. Шаҳар қурилиш Бағдод шаҳрига ўхшаш бўлиб, кўчалар ўз ўрнини йўқотмаган. Шаҳристон-1 №3 кўчаси қазиб ўрганилди.

2003-2004 йилларда шаҳарнинг арк қисмида Б.Абдуллаев Н.Собировлар изланишлар олиб бордилар.

2005 йил Пойкент шаҳрида олиб борилган изланишлар натижасида асосан диний иншоотлар ўрганилди. Бу эрда беш вақт намоз ўқиладиган масжид топиб текширилди. Масжид иккита зал ва олти та майда хонадан иборат бўлган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бухоро воҳасида хусусан Пойкент ҳудудида шаҳарнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва заволга юз тутишида ирригацион системанинг аҳамияти беқиёс исобланган. Лекин, шуни алоҳида такидлаш керакки Пойкентдаги қазилма ишлар ўзининг якуний босқичида эмас. Бу ҳудудда олиб бориладиган ҳар қандай янги археологик тадқиқотлар истиқболли эканлигини ҳали шаҳар тўлиқ тадқиқ этилмаганлигидан ва олдинги тадқиқотлар натижаларидан хулоса қилишимиз мукин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ИЗОҲЛАР

- 1.Шишкин В.А. Варахша.-М.,1963.-С.8.
- 2.ПТКЛА. год III, -Ташкент,1897-1898.-С.89-94. См.также отзки о работах Н.Ф.Ситняковского (там же, стр.135). К цитировавшейся уже нами работе Н.Ф.Ситняковского «Заметки о бухарской части долины Зеравшана» приложен ценный список арыков и населенных пунктов.; Шишкин В.А. Варахша. - М.,1963.-С.14.



3.Лыкошин Н. С. Очерк археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского Кружка любителей археологии. -Ташкент,1896.- С.48.

4.Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана, Известия Туркестанского отдела русского географического общества, т. I, вып. 2. - Ташкент,1900.- С.130.

5.Якубовский А. Ю. Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. (Из дневника начальника экспедиции). ТОВЭ. Т. II. Л. 1940. стр. 113-164.

6. Ширинов Т.Ш. Древний Пойкент. Т.: 2001. –Б.11.

7.*Наршахий. Бухоро тарихи. Т.: 1993.-Б.8.*